

Саодатнинг сир



14:33 / 14.05.2025 2300

Подшоҳлардан бири ўғлини ҳаётдаги саодат сирини ўрганиб келиши учун донишманд ҳузурига юборди. Ўғил у ерга борганда ҳақимнинг қасрида анчагина одам мавжудлигини кўриб, навбатга турди. Анча муддат кутганидан сўнг навбати келиб, донишманд ҳузурига кирди. Донишманд унга қасрни сайр қилиб, икки соатдан сўнг ҳузурига келишни таклиф этди ва йигитнинг қўлига икки томчи ёғ томизилган кичик қошиқни бериб: «Саёҳат асносида бу қошиқчани қўлингда ушлаб юр, ундаги ёғнинг оқиб кетишидан эҳтиёт бўл!» деди.

Йигит юқорига кўтарила бошлади ва қасрда сайр қилар экан, диққат-эътибори қошиқда эди. Бироздан сўнг донишманд ҳузурига қайтди. Ҳақим ундан: «Бинодаги ҳашаматли гиламни кўрдингми? Чиройли боғдан баҳраманд бўлдингми? Кутубхонадаги бебаҳо китоблар сени ўзига ром

этдими?» деб сўради.

Йигит ноқулай ҳолатга тушди ва ҳеч нарсани кўрмаганини ва бор эътибори қошиқдаги ёғни тўкиб юбормаслик бўлганини айтди.

Ҳақим унга: «Ортингга қайтиб, қасрдаги жиҳозларни кўздан кечир» деди.

Йигит ортига қайтиб, деворга осилган санъат асарларини, боғни, гўзал гулларни кўрди ва ҳақимнинг ҳузурига қайтиб, бошдан кечирганини сўзлаб берди.

Ҳақим ундан: «Лекин сен билан келишганимиз икки томчи ёғ қани?» деб сўради.

Йигит қошиққа қараб, ёғ тўкилиб кетганини сизди.

Шунда ҳақим деди: «Сенга қилмоқчи бўлган насиҳатим шу эди. Саодатнинг сири шуки, дунё гўзалликларини кўриб, улардан завқ ол, аммо қўлингдаги икки томчи ёғни асло тўкиб юборма!».

Йигит қиссадан кўзланган ҳиссани англади. Саодат нарсалар ўртасидаги мувозанатни ўрнига қўя олиш санъати экан. Бу бахтсизлик ва муваффақиятсизликнинг муҳим рецепти экан.

Искандардан: «Оламдаги барча юртларнинг устидан қандай ғолиб чиққанини сўралди. Искандар: «Қилиниши керак бўлган вазифани кейинга сурмаслик билан» деди.

«Ҳаёт билан учрашув» китобидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/1750-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.